

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ҮРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАФАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ҮРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:**  
Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

**Таҳририят манзили:**  
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,  
2021.

---

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

### **3.Пардаева**

Кредит-модуль таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил қилиш модели .....	94
<b>Х.Жўраев, З.Раҳимов</b>	
Фурқат ижодининг ўзига хос хусусиятлари .....	103
<b>Х.Шарафиддинов</b>	
Қоғиянинг функционал ва структурал эволюцияси .....	106
<b>Г.Муҳаммаджонова</b>	
Ижод психологизмининг бадиий талқини.....	110
<b>Я.Нишанов</b>	
Америка адабиёти тарихи: "Ва қуёш чиқмоқда" романидаги йўқотилган авлод.....	114
<b>А.Махмудов</b>	
Олмон адабиётшунослигига Шарқ мавзуси ва унинг эстетик роли .....	119

## ТИЛШУНОСЛИК

### **А.Мамажонов, М.Мамажонов, Б.Полвонова**

Тилшуносликда вариантилилк масаласи ва унинг бошқа ҳодисалар билин муносабати .....	124
<b>С.Мўминов, А.Юлдашев</b>	
Сўз илмий талқинига бир назар .....	130
<b>М.Зокиров, Ф.Исомиддинов</b>	
Билингв нутқида фонетик интерференциянинг намоён бўлиши хусусида .....	134
<b>Н.Умарова, О.Холматова</b>	
Мақол ва матал тушунчаси, мақоллар семантикаси хусусида .....	139
<b>Г.Розикова, М.Курбонова</b>	
Чўлпон ва Бехбудий асарларида окказионал бирликларнинг қўлланилиши.....	143
<b>Х.Сотвалдиева</b>	
Инглиз тилини хорижий тил сифатида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш .....	147
<b>Ш.Кахарова</b>	
Ўқитувчи мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари .....	151
<b>Р.Абдуллаева</b>	
Дунёнинг лисоний мақол манзарасида одамга эстетик баҳони ўрганиш муаммолари .....	155
<b>Г.Мамаджанова</b>	
Лингвокультуре маларнинг фрейм тақдимотлари параметрлари .....	159

## ПЕДАГОГИКА

### **Т.Эгамбердиева**

Талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг педагогик таҳтили ва талқини .....	164
<b>Х.Ибраимов, К.Тоджибаева</b>	
Бўлажак тарбиячи ва бошланғич синф ўқитувчиларида инклузив компетентликни ривожлантириш ижтимоий зарурат сифатида .....	170

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

### **М.Хакимов, Ш.Умурзакова**

Озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологияси фанини ўқитишининг назарий масалалари ва мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.....	174
--	-----

### **Н.Валиева**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Дин ишлари бўйича қўмитанинг ташкил этилиши омиллари.....	179
--	-----

### **М.Расулов**

Ўзбекистон тарихини ўрганишда маданий мерос объектларининг ўрни .....	182
---	-----

### **Ф.Каримова**

Ўзбек халқ лирикасида олов аналогларининг бадиий вазифаси .....	186
---	-----

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДИН ИШЛАРИ БҮЙИЧА ҚЎМИТАНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ОМИЛЛАРИ

### ФАКТОРЫ СОЗДАНИЯ КОМИТЕТА ПО ДЕЛАМ РЕЛИГИЙ ПРИ КАБИНЕТЕ МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

### FACTORS FOR ESTABLISHMENT OF THE COMMITTEE ON RELIGIOUS AFFAIRS UNDER THE CABINET OF MINISTERS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Валиева Нафиса Абдумажитовна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Валиева Нафиса Абдумажитовна

– Наманган давлат университети, катта ўқитувчи.

#### Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этилиши учун зарур омиллар хусусида маълумот берилади.

#### Annotation

In article provided information on the factors necessary for the establishment of the Committee on Religious Affairs under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.

#### Annotation

This article provides information on the factors necessary for the establishment of the Committee on Religious Affairs under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan.

**Таянч сўз ва иборалар:** дин, эътиқод, диний идора, қўмита, диний уюшма.

**Ключевые слова и выражения:** религия, вера, духовное управление, комитет, религиозное объединение.

**Key words and expressions:** religion, belief, religious office, committee, religious association.

Дунёда бирон бир халқ йўқки, у ёки бу динга эътиқод қилмаётган бўлса. Одамлар яшаб келаётган давлардан бери дин ҳам яшаб келмоқда. Уламолар фикрича, дин Аллоҳ томонидан ўз пайғамбарлари орқали башарият оламига жорий этилажаги зарур бўлган илоҳий қонунлардир[1]. У азалдан инсоннинг аллоҳ билан алоқа қилиш эҳтиёжидир. Дунёвий нуқтаи назар бўйича эса, дин-ижтимоий-тариҳий ҳодиса[2]. Кишилик жамияти тарихий тараққиётининг маълум босқичида пайдо бўлган ижтимоий онг шаклларидан бири. Динлар ўз эътиқодчиларининг миллати, тили, ирқи, туғилган жойи, фуқаролиги каби хусусиятларни ҳисобга олмайди[3]. Динлар элатларнинг, кейинчалик эса миллатларнинг шаклланиш жараёнини акс эттирган ҳамда ўзлари пайдо бўлган ҳудудлардаги одамларнинг ўз миллатларига, давлатларига эътиқод қилишни ифодалган. Ўз ўрнида диннинг жамиятга ижтимоий, маънавий, руҳий таъсири бекиёс[4].

Мамлакатимизда динга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгартирилганлиги, хусусан, ислом дини қадриятларини тиклаш йўлида қилинган саъй-ҳаракатлар олиб

борилмоқда. Ўзбекистон давлати ўз фуқароларининг диний эътиқодларини хурмат қиласди. Ҳозирги вазиятда илмий диншуносликнинг ғоявий ва амалий иш фаолиятини ҳисобга олганда, дин ва диндорларга Ўзбекистон давлатининг адолатли муносабати ўрнатилди. Бу ҳол диний ташкилотларнинг ҳозирги ижтимоий тузумга бўлган холисона, дўстона муносабатларига объектив баҳо беришни талаб этади[5].

Буларнинг ҳаммаси давр талабидан ва келажакдаги масъулиятни ҳис этган ҳолда республикамизда аҳоли диндорлиги даражасини аниқлаш, диндорлар ва диний уюшмаларнинг жамиятда тутган ўрнини тўғри талқин қилиш ҳамда дин билан давлат ўртасидаги умуминсонийлик тамойилларини тиклаш ва ҳоказолар дин ва диний муассасаларга доир муаммоларга бўлган холисона ёндашишdir. Бу ёндашув кўпёклама хусусиятга эга бўлиб, мустақил республикамизнинг ички ва ташқи сиёсатида ҳам ўз аксини топмоқда. Мамлакатимиз Шарқ ва Фарbdаги барча тинчликсевар давлатлар билан уларнинг ижтимоий тузуми, динга муносабатидан қатъи назар,

иқтисодий-ижтимоий, маданий алоқаларни кенг йўлга қўймоқда. Ижтимоий, сиёсий ҳаётда диний ташкилотлар фаоллигининг ортиб боришини демократик жараёнда улар ўрнининг мустаҳкамланиши, деб қараш мумкин. Аввало диний ташкилотларни давлатдан ажратиш, уларнинг сиёсатдан узоқлашувига олиб келади; аммо бу ташкилотларнинг фаолияти муайян маънода сиёсий характерга эга бўлиб келган. Диний ташкилотларга хос ижтимоий, сиёсий фаолликнинг тобора ортаётганини эътиборга олиб, уни икки йўналишда – ижтимоий ҳаётда ва дунёқарашда шахснинг фаоллигини талабаларнинг ошириш талаб этилади. Диний ташкилотларнинг ижтимоий, сиёсий йўналишларда объектив воқеликка ошкора ва ижобий ёндашишлари кенгайиб бораётганлиги анъана тулага кириб бормоқда. Бунга республикамиз ҳаётига ҳозирги кунда диний ташкилот ва руҳонийларнинг холисона муносабатлари, бераётган ижобий баҳолари жонли шоҳид бўла олади. Бунда айрим диний ташкилотларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятлари муайян аҳамиятга моликдир[6]. Шунинг учун ҳозирги даврда уларга нисбатан бўлган муносабатларда умуминсонийлик, демократик холислик тамойиллари тикланмоқда. Динга эътиқод қилувчиларга шўролар давридагидек маъмурий-буйруқбозлик тазиики ўтказишдан воз kechilди[7].

Табиат ва жамиятдаги кузатилаётган ҳодисалар моҳиятига кўра ниҳоятда мураккабdir. Табиий ва ижтимоий-гуманитар фанларда буюк муваффақиятларга эришилган ҳозирги замонда ҳам ҳали билиб етилмаган сирли жараёнлар мавжуд. Табиат ва жамиятда ҳамма нарса ва ҳодисалар доим ўзгариб ва ривожланиб боради.

Фан ҳам доим ўзгариб ва ривожланиб борар экан, унда ҳали ечилимаган янги-янги жумбоқлар, муаммолар юзага келиб туради. Фаннинг ривожланиш йўли ҳам шундан иборатки, табиат ва жамият ҳақидаги билимлар тобора бойиб боради. Кузатилаётган ҳодисаларнинг моҳиятига янада чукур кириб бораверади. Одамзод ақли табиатда кўп ажойиб-ғаройиб нарсаларни кашф этган, шу билан табиат сирларини ўрганиб боради. Бу жараён ҳозир интенсив тарзда давом этмоқда.

Юқоридаги омиллар диний масалани давлат даражасига кўтарди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 7 март кунги 359-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича комитет ташкил этиш тўғрисида”ги Фармойишига мувофиқ Дин ишлари бўйича қўмита ташкил этилди. Дин ишлари бўйича қўмитанинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 2 апрель кунидаги 159-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини ташкил этиш масалалари”даги Қароридан бошланган[8].

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 27 январь куниги 23-сонли Қарорига мувофиқ, Дин ишлари бўйича қўмита Низоми ва унинг тизимига кўшимча ва ўзгаришлар киритилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрель куниги 196-сонли Қарорига мувофиқ, Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш белгиланган[9].

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 январь куниги 10-сонли Қарорига мувофиқ Дин ишлари бўйича қўмитанинг диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш соҳасидаги фаолиятини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари соҳасидаги ваколатлари белгиланган[10].

Айни пайтда, диндорлар ва диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгилаб қўйилган қўйидаги талабларга ҳам риоя қилишлари лозим:

-Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш;

-диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб бориш, миллатлараро адоват ўйғотиш ва фуқаролараро тотувликни бузиш воситаси сифатида фойдаланмаслик;

-диний ташкилотларнинг давлат рўйхатидан ўтиши;

-диний ўқув юртларида диний фанларни ўқитаётган шахсларнинг диний таълим олган бўлишлари ва диний ташкилот раҳбарияти рухсати билангина ўқитиш ишларини олиб боришлари;

-диндорлардан мажбурий пул йиғими йиғмаслик ва тўловлар ундириմаслик;

-тақиқланган гояларни, адабиётларни, кино, фото ва видео маҳсулотларини тарқатмаслик ва ишлаб чиқармаслик[11].

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

Ўзбекистон давлатида яна қуидагилар тақиқланган:

-дений моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ташкилотларини тузиш. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида аниқ ифода этилган. Айни пайтда, республикамизда чет давлатларда тузилган дений партияларнинг бўлимлари тузилиши ҳам тақиқланади:

-террорчилик, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек, бошқа фаразли мақсадларни кўзловчи дений ташкилотлар, оқимлар ва секталарнинг фаолият кўрсатиши;

-диндорлар ва дений ташкилотларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига тазиқ ўтказиши;

-яширин диний фаолият билан шуғулланиш;

-давлат рўйхатидан ўтмаган диний ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши;

-дений ташкилот хизматчиларининг ҳокимият вакиллик органлари депутатлигига номзод этиб рўйхатдан ўтиши. Қонуннинг юқорида қайд этилган қоидаларига амал қилмаган фуқаролар жиной жавобгарликка тортиладилар. Диний ташкилотлар фаолияти эса тугатилади. Давлат ва дений ташкилотлар қонунга оғишмай амал қилсалар, жамиятда сиёсий барқарорлик мустаҳкам бўлади ва фуқаролар тотувлиги тўла қарор топади[12].

### Адабиётлар:

1. Жўраев У., Саиджонов Е. Дунё динлари тарихи. –Т., 1998.
2. Васильев А. С. История религии Востока. М., 1998.
3. Яблоков И. Н. Основы религиоведения. М., 1998.
4. Мўминов А. Диншунослик. Т., 2004.
5. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Б., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. –Т., 2004.
6. МДА М -152 №1. Раҳбарият(1992 йил). 1 -3 варақ.
7. МДА М -152 №1. Раҳбарият(1992 йил). 4 -6 варақ.
8. МДА М -152 №1. Раҳбарият(1992 йил). 8 -11 варақ.
9. МДА М -152 №1. Раҳбарият(1992 йил). 12 -13 варақ.
10. МДА М -152 №1. Раҳбарият(1992 йил). 14 варақ.
11. Абдусамедов А. Э. Динлар тарихи. –Т.: ЎзМУ, 2004.
12. Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон. –Т, 1992.

(Тақризчи: М.Маматов – фалсафа фанлари доктори (DsI))